

323  
1784

323


(1)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

212

ПРЕЗИДЕНТ  
ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ  
«Ўзбекистон  
XXI аср бўсағасида:  
ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД,  
БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА  
ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ»  
АСАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-КЎРГАЗМАЛИ ҚЎЛЛАНМА

2032868



9141

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1999

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИННИГ  
ТАХРИРИЯТ-НОШИРЛИК КЕНГАШИ ТОМОНИДАН  
МАЪҚУЛЛАНГАН.

*Тузувчи-муаллиф:*  
Шариф КОБИЛОВ

*Масъул муҳаррир:*  
юридик фанлари доктори, профессор У. ТАДЖИХАНОВ

*Тақризчилар:*

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «Касб этикаси ва  
сийёсатшунослик» кафедраси бошлигининг мувонини, тарих  
фанлари доктори, профессор М. Н. НИШОНОВ; Тошкент Давлат  
университети «Иқтисодийт назарияси» кафедраси мудири, доцент  
К. УМАРОВ

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср  
бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари  
ва тараққиёт кафолатлари» асарини ўрганиш бўйича  
ўқув-кўргазмали қўлланмана// Тузувчи-муаллиф: Ш.  
Қобилов; Масъул муҳаррир: У. Таджиханов /. — Т.:  
«Шарқ», 1999. — 80 б.

Сарл. олдида: ЎзР Ички ишлар вазирлиги академия-  
си.

Ушбу уқув-кўргазмали қўлланмада Президентимиз И. А. Ка-  
римовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид,  
барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг энг  
муҳим фикр ва гоялари ҳамда ушбу асарнинг асосини ва таърифи-  
ни белгиловчи омиллар схематик равишда ифодалаб берилган. Бу  
услуб асардаги фикр ва мулоҳазаларни қисқа вақтда ўзлаштириш  
имконини таъминлаб беради.

Қўлланма олий ва ўрта маҳсус уқув юртларининг ўқитувчилари,  
талабалари ҳамда кент китобхонлар оммасига мулжалланган.

ББК 66.3(5У)я7+66.4(5У)я7+  
65.9(5У)Я.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти, 1999 йил.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
1999 йил.

## МУҚАДДИМА

Юртбошимиз И. А. Каримов узлуксиз таълим тизими-ни такомиллаштиришга бағишлиңган нұтқларидан яратилаётгап дарсلىклар, үқув құлланмалари кенг китоб-хонлар оммаси учун яқинроқ, тушунарлироқ, қизиқарлироқ ва равшанроқ бўлиши кераклиги ҳақида бир неча маротаба таъкидлаган эдилар.

Үқитувчилек тажрибаси шуни күрсатадикуи, үқув машғулотларидан үқитувчилар, лекторлар томонидан құлланылған күргазмали воситалар коллежлар, олий үқув юртлари талабалари онгига яхшироқ ўрнашади. Үқув-күргазмали құлланмалардан фойдаланишининг аҳамияти шундан иборатки, улар воситасида үқитувчилар назарий қоидаларни чуқурроқ үзлаштиради ва эслаб қолади, шунингдек ўрганилаётгап ҳодисалар ҳақида аниқ ва ёрқин масаввурларни ҳосил қиласди. Уз наебатида күргазмали құлланмалар машғулотни қизиқарли ва аниқ мантиқий болғиқликда үтказишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйругига асосан Президентимиз И. А. Каримовнинг республикамизнинг барча үқув юртларидан Ўзбекистонда амалга оширилаётгап тарихий янгиланишларни үзиде акс эттирган ҳамда жаҳон жамоатчилигида тобора кетта қизиқиши үйғотаётгап, шунингдек давлатимиз раҳбарининг жаҳондаги мураккаб масалаларга илмий асосда ёндошилған нұқтаи назари акс этгап ва дунёнинг күп тилларига таржима қилиниб, Англия, Германия, Франция, Россия, Корея, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Истроил, Италия ва бошқа мамлакатларда нашр этилған «Ўзбекистон XXI аср бұсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлық шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ўрганилмоқда. Ислом Каримов ушбу асарининг хулоса қисмida «шу мавзуга мурожаат қилиш зарур әдими, бугун Ўзбекистон ва у билан бирга Марказий Осиё минтақасидаги бошқа давлатлар кечираётгап мураккаб, гоят кескин муаммолар хавфсизлик, ривожланишини таъминлаш, барқарорлық ва сабитқадамлик муаммолари ҳақида гапириш зарурати бор-

ми?» — деган саволни ўртага ташлаб ўзлари «ишончим комилки, зарурати бор» деб алоҳида таъкидлайди. Ушбу заруратнинг ўта мұхымлигидан келиб чиқиб, юртбошимизнинг мазкур асаридаги эң мұхим фикр ва ғояларни схематик равишда ифодалаб, мантиқий жиҳатдан чуқур асосга эга бўлганлигини кўргазмали қўлланмамиз орқали намоён қилишини мақсад қилдик. Бу услуб ушбу асарнинг асосини ва таърифини белгиловчи омилларни яққол кўрсатиб, унда бўлган фикр ва мулоҳазаларни қисқа вақтда ўзлаштириш имконини таъминлаб беради.

Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидаги қоидаларнинг тасвири равишда батағсил баён қилиниши ўқувчиларнинг Ўзбекистоннинг XXI аср бўсағасида, Президентимиз таъкидлаганидек, «миллатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаро хавфсизлигига, янгилини ва тараққиёт йўлига солинаётган таҳдилар нималардан иборат эканлиги» ҳамда «давр таҳдиларига қарши муносиб жавоб бериш учун қандай ишончли кафолатларимиз бор»лиги каби масалаларни чуқур англаб етишларида ёрдам беради, деган умиддамиз.

Шунингдек, ушбу қўлланмадан «Иқтисодиёт назарияси», «Фалсафа», «Сиёсатшунослик», «Ўзбекистон тарихи», «Хуқуқшунослик», «Маданиятшунослик»ка оид фанларни ўрганиша ҳам фойдаланиш мумкин.

Кейинги юилларда ўқув кўргазмали қўлланмалар тайёрлаш амалиётига ўқитувчилар, олимлар унчалик эътибор бермай қўйдилар. Ушбу қўлланма мазкур соҳада яратилаётган дастлабки ишлардан бири бўлганлиги сабабли муаллиф учун китобхонларнинг қўлланма бўйича таклиф ва фикрлари қимматлидир, чунки қўлланма мавзуси келажакда ҳам долзарб бўлиб қолади.

Муаллифнинг ушбу ишга сидқидилдан ёndoшиб ўқувчиларга юртбошимизнинг асарини ўрганиш бўйича мазкур услугубий-мантиқий болганишдаги тавсиялари эътиборга лойиқдир. Билдириладиган фикр ва мулоҳазаларни у ўзининг кейинги ўқув-услубий тадқиқотларида тузатади, деган умиддамиз.

Убайдулла ТАДЖИХАНОВ,  
юридик фанлари доктори, профессор.

*Давлатни ақл-идрок билан бошқа-  
риш — халқ бошига түшгән хавф-ха-  
тарни камайтириш ва бартараф  
этишідан иборатдир.*

*Абу Наср Форобий*

## **БИРИНЧИ БОЙ**

# **ХАВФСИЗЛИККА ТАХДИД**

# Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг ёзилишига асос бўлган омиллар

Бу ёруғ оламда биз кимиз ва не бир сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетајпмиз?

Инсоният янги XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай булади?

Биз яшайдан давр қандай хусусиятларга эга?

Сунгги вақтларда жаҳонда юз берган дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгилаган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятта молик?

Бизлар барқарорлик ва хавфсизлик йулида таҳдид булиб турган муаммоларни англаб етаяпмизми?

Хавфсизлигимизга таҳдид булиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз?

Жамиятимиз тұхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истиқомат қилаётган минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланишига нималар кафолат була олади?

XXI аср Ўзбекистон аҳолиси учун қандай булади?

Кишилар турмуши кечагидан қандай яхши булади?

Ўзимиз учун танлаб олган ислоҳотлар ва янгиланиш йўли ута мураккаб йўл эканлигини англайпмизми?

Ислоҳотлар ва янгиланиш йўлида қандай муаммолар, кийинчиликлар, синовларга дуч келишимиз мумкинлигини етарли даражада аниқ тасаввур қиласяпмизми?

Энг аввало, одамларнинг мана шу бой заминда муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган мақсад ва вазифаларни қай даражада рӯёбга чиқара оламиз?

Мамлакатимиз янги мингийликда мустаҳкам, оғишмай ва барқарор ривожланишини кафолатлайдиган қандай имкониятларга эга?

Жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли, ҳар томонлама кенг ҳамкорлик қилиш учун нималарни таклиф эта оламиз?

Хавфсизликни қандай сақлаб қолиш мумкин?

Барқарорликни қандай таъминлаш лозим?

# 1-м а в з у. Минтақавий можаролар

## 1.1. Минтақавий можаролар ва уларнинг оқибати

### Минтақавий можаролар

Сўнгги беш йил ичидаги машъум мазмунга эга «минтақавий можаро» деган ибора ҳамманинг қулоғига ўрнашиб, оддий бир ҳолатга айланди. Минтақавий можаролар дунёнинг ривожланган минтақаларига ҳам, ривожланётган минтақаларига ҳам хос тус олди

Дунёда янги тартибларни шакллантириш жараёни минтақалар даражасидаги ва минтақалар ичидаги эскидан сақланиб келаётган, зимдан тутаб ётган ҳар хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можароларнинг кескинлашви билан бирга юз берди

СССР парчаланиб кетганидан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишимизга боғлиқ булмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида — Афғонистон ва Тажикистонда сўнгги йилларда юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган иккита танглик ўчиғи аланга олиб турибди

Минтақавий можарони факат тарафларнинг қуролли қарама-қаршилиги, шу жумладан, тинч аҳоли ўтасида кўплаб қурбонларга олиб келадиган қарама-қаршилиги деб ҳисобламаслик керак. У муайян жамият ва қўшни давлатлар ҳаётига таъсир курсатадиган қарама-қаршиликдир

### Уларнинг оқибатлари

Хозирги дунёда қарийб 50 миллион қочоқ бор. 1996 йилда бошқа мамлакатларда бошпана топган 13 миллион киши рўйхатга олинган. Фуқаролар уруши туфайли 30 миллионга яқин одам ўзи яшаб турган жойларини ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишига мажбур бўлган

*БМТ маълумотидан*


Миллионлаб кишиларнинг тақдирни хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди

Қандай бўлмасин, ватандошлар ўртасида нифоқни авж олдириш, уз ўйларини ташлаб кетишига мажбур бўлган қочоқлар оқими, жамиятда жиноятчи унсурларнинг кўпайиши, урушни пул топишнинг ягона маңбаига айланириш, миллиатнинг генофондига птур етказиш, ёш авлодни ҳатто бошланғич таътим олиш имкониятидан ҳам маҳрум қилиш шу ҳалқнинг келажагини таъминлай олмайди

Минтақавий можароларнинг хавфли томони шуки, улар бир мамлакат доирасидан чиқиб кетиши ва бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши чучкин булган хавфни тугдиради. Бундан Ўзбекистон ҳам мустасно эмас

Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий танглик Тажикистондаги бекарорлик ҳолатига ҳам, жумладан, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига ҳам таъсир этмай қолмайди

## 1.2. Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига таҳдид солувчи манбалар ва сабаблар




## 2-м а в з у. Диний экстремизм ва фундаментализм

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки қайси динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси,  
31-модда

### 2.1. Диний экстремизмни келтириб чиқарувчи сабаблар


Диний экстремизм — у ёки бу диннинг ута тажовузкор, агрессив ва жиноий йўналтирилган мазҳаби ёки оқимидир



Ўз-узидан равшанки, бу ҳодисалар Ўзбекистоннинг мустақилигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда ташвиш түгдирмоқда

## 2.2.

### Ўзбекистонда ислом омилининг фаоллашуви сабаблари



### 2.3.

## Ислом динининг роли тўғрисидаги баҳолар

### Ислом динининг роли тўғрисидаги баҳолар

Ислом динининг маданий қадриялари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан кўшилган ҳиссани, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб берди

Ислом динидан сиёсий кураш учун, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлиш учун курол сифатида фойдаланилади. У бир туг вазифасини бажаришга қодир. Бу туг остида эса аниқ бир дастурий мақсадларни изловчи эмас, балки фақат кўрсатмага — ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар бирлашади

Диндан унга эътиқод қилувчи фуқароларни умуминсоний ахлоқий меъёrlар, инсонпарварлик, иймонли, инсофли, баҳамжиҳат, ватантарвар бўлиш руҳида тарбиялашда фойдаланиш мумкин, лекин диндан вайрон қилувчи, миллий бирликни емирувчи куч сифатида фойдаланиш хавфсизликка таҳдид солади

## **2.4. «Ваҳҳобийлик», «Ислом экстремизми», «Ислом фундаментализми», «Фанатизм» тушунчалари**

«Ваҳҳобийчилик ҳаракати» — Арабистон ярим оролининг марказий қисмидаги XVIII аср ўрталарида юзага келган диний-сиёсий оқим булиб, унинг асосчиси Мұхаммад ибн Абл ал-Ваҳҳобдир (1703—1787 йиллар). Ваҳҳобийчикликнинг мақәди исломни тозалаш бўлиб, гўёки уларнинг фикрича, қабрларга, авлиё ва бошқа зиёратгоҳларга бориш, Оллоҳга шак келтириш, деб ҳисобланиб, бу борада яратилган адабиётлар тазъқиб этилган. Абл ал-Ваҳҳоб диний тарғибот ишларини 1740 йилдан ўз отасининг вафотидан сўнг фаоллаштирган, чунки ота-үгил ўртасида даъватнинг услуби хусусиятида ихтилоф бўлган

### **Ваҳҳобийлик**

Адолатни юзаки тушуниб тарғиб қилишда, исломнинг маънавий-ахлоқий меъёрига қаттиқ риоя этишини талаб қилишда ҳамда зебзиннатдан ва манфаатпарастликдан воз кечиши эълон қилишда намоён бўладиган оқим

### **Ислом экстремизми**

Улар қадимги ислом гоялари ва анъаналарини қайта тиклаш шиори остида терроризмни ўюштирувчилардир

### **Ислом фундаментализми**

Улар эса исломнинг фундаментал гояларини тиклаш, ислом вужудга келган даврага қайтиш шиори остида ҳаракат қылувчилар бўлиб, дин ва сиёсатни бир тушунча, ислом билан миллат манфаатларини бир, деб тушунтирадилар, давлатларни исломлаштиришни тарғиб қила диларки, бу можаролар ва зиддиятларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади

### **Фанатизм**

Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўз динини ҳақиқий деб тушунади ва бошқа диний эътиқодларга муросасиз бўлишни тарғиб қиласди, бу эса можароларни келтириб чиқаради, мамлакатдаги вазиятни кескинлаштиради, демократик давлат обрўсига путур етказади

## **2.5. Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализми — ақидапарастликнинг таҳди迪**

### **Б у л а р:**

Ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўқقا чиқаришда кўринмоқда

Фундаменталистларнинг адолат ҳақида оломонбоп, жозибадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъвияларига кўр-кўронна эргашувчилар, ўзглар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим

Мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар ўртасидаги «ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари бўйича қарёма-қаршилик келтириб чиқаришда кўринмоқда

Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай давом этиб келаётганилигида намоён бўлмоқда

Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутадиган фикр тудиришга уринишларда намоён бўлмоқда

Ислом цивилизацияси ва исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпи қарёма-қаршиликни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Бу зеа жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнларига гоят салбий таъсир кўрсатмоқда

Омманинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва ҳалқаро муаммолар ҳамда зиддиитларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда

## 2.6. Давлат ва дин ўртасидаги муносабатда Ўзбекистон амал қилаётган тамойиллар

Дин ёки эътиқодга сигинши эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлигини ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиши учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиши мумкин.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 18-м о́дда

### Б у л а р:

→ Диндорларнинг диний туйгуларини ҳурмат қилиш

→ Диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш

→ Диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқтарини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишига йўл қўймаслик

→ Маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мuloқot қилиш йўлларини излаш зарурати

→ Диндан бузгунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш

Диний фундаментализмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши чиқаётган жаҳондаги таъсир доираси кенг ва обрў-эътиборли кучлар турли маданиятлар ҳамда цивилизациялар ёнма-ён яшашининг нормал, тинч ва ўзаро фойдали шарт-шароитлари учун қурашда Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамиятини англаб етмоқда

## **3-м а в з у. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик**

### **3.1. Буюк давлатчилик шовинизми нима?**

**Шовинизм**

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жўгрофий-сиёсий мақонда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади

**Буюк давлатчилик шовинизми**


Буюк давлатчилик шовинизми бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликдан келиб чиқади. Унинг ифодачилари ҳарбий империялардир. Бу империяларнинг иқтисодиёти босиб олинган ҳудудларни эксплуатация қиласар ва ҳатто уларнинг ҳаётий манбалари ҳисобига яшар эди. Айни чогда бўйсундирилган халқларга уларнинг маданий жиҳатдан ва умуман миллий жиҳатдан норасолиги ҳақидаги ҳалокатли гоя сингдирилар эди

**Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик**

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик бир-бирини тўлдиради, булар ўз давлати манбаатини илгари сурib, миллий кадрларни тайёрлашда, миллий маданиятлар ва маънавий қадрияларни оёқ ости қилишда, авторитар тузум ўрнатишида, бошқа мамлакатлар халқларини итоатгўй қилиб сақлаб туришда, ҳозир эса собиқ Иттифоқни тиклаш учун қилаёттани ҳаракатида, ўз таъсир доирасини бошқа мустақил давлатларда сақлаб қолиш учун интилишда, миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизлик тугдиришда, халқаро-хукукий меъёрларни инкор этишда, ташки иқтисодий алоқаларни тўсишда, янги мустамлакачиликни зўрлаб қабул қилдириш ҳаракатида яққол намоён бўлмоқда

### 3.2.

## Шовинизм оқибатлари




Ҳозирги шароитда шовинистик таҳдидларнинг тазиқини бошдан кечириб турган кичик мамлакатлар ва халқлар ўз хавфсизлиги ҳамда суверенитетини таъминлаш мақсадида буюк давлатчиликка қарши чоралар излашга мажбур бўлмоқда. Оқибатда буларнинг ҳаммаси бутун халқаро муносабатлар тизими янада соғломлашишига эмас, аксинча, дунё миқёсида жаҳоннинг куч марказлари уртасидаги муносабатларда зиддиятларнинг зурайишига олиб келиши мумкин

### 3.3. Буюк давлатчилик шовинизми ва агресив миллатчилик таҳдиidi

Б у л а р:

- Халқаро, давлатлараро ва эзатлараро қарама-қаршиликни келтириб чиқариш
- Халқаро ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рүёбга чиқаришга қаршилик күрсатиш
- Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни төңг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш
- Мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий иўл билан тазийк ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур тутдиришга интилиш
- Агар буюк давлатчилик шовинизми билан экстремистик миллатчилик абадий ҳамроҳ экани назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш
- Янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва төңг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш ҳавфи
- кабиларда намоён бўлади



## 4-мавзу. Этник ва миллатлараро зиддиятлар

### 4.1. Бир элатли ва кўп элатли давлатларнинг хусусияти

Ҳозирги дунёда полиграфик (кўп элатли) ва монографик (бир элатли) давлатлар мавжуддир. Ер юзида ўзининг бетакорор маданий ва маънавий қадриятларига эга, тараққиёт даражалари турли бўлган 1600 дан ортиқ этник груп яшайди

Булар:

Кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат бу мамлакатларда истиқомат қиливчи этник оғизлик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилиувчи шартларидан бири бўлиб ҳисобланади

Миллатлар ёки этник групчада ўртасидаги ўзаро муносабатларда анъанавий уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп элатлилик омили давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали, рагбатлантирувчи таъсир этишини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин

### 4.2. Миллатчилик ва унинг оқибатлари

Миллатчилик — бирор миллат ва элатнинг ҳақ-хукуқларини камситиш демакдир

«Миллатчилик» кўринишлари кўпинча ўзаро алоқада бўлувчи этник групчада ва миллатларнинг манбаатлари ва эҳтиёжлари бир-бирига мос келмаслиги юзасида келиб чиқадиган зиддиятлар натижасидир

Миллатчиликнинг оқибати:

У сиёсий тусга кирса, кучли салбий йуналиш касб этади. Бу давлат ва миллат хавфсизлигига, минтақавий ва кенг кўламдаги хавфсизликка анча кучли таҳдид солади

#### **4.3. Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида миллатлараро муносабатларга бўлаётган хавфнинг илдизлари**

**Ўзбекистонда  
ва Марказий  
Осиё минтақасида  
миллатлараро муносабатларга  
бўлаётган  
хавфнинг илдизлари**

Агар вазиятни холис баҳолайдиган бўлсак, можароли вазиятларнинг юзага келиши учун замин мавжуд. У Марказий Осиёдаги республикаларнинг худудий-маъмурий чегараларини вужудга келтириш соҳасида Россия империяси олиб борган ва Совет ҳокимияти давом эттирган сиёsat оқибатларига бориб тақалади

Марказий Осиё минтақасидаги этник нуфус вазияти доимо ўзгариб турган. Турли даврларда унга мустамлакага айлантириш, 20—30-йиллардаги саноатлаштириш, ҳалқларни депортация (кувгин) қилиш ва мажбурий кўчириш, урбанизация жараёнларининг фаоллашуви ва бошқа омиллар таъсир кўрсатган

Юқоридаги хавфнинг илдизлари мустақил давлатларга мерос бўлиб қолди. Шу туфайли миллатлараро ва элатлар ичидаги ўзаро алоқалар муаммолари стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда ва минтақада давлатлараро муносабатларни йўлга қўйишда алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда

#### 4.4.

## Ўзбекистоннинг миллий сиёсати ва Конституция

Ўзбекистоннинг миллий сиёсати Ўзбекистонда яшайдиган 100 дан ортиқ миллат ва элатлар манфатларини бир меъорда химоя қилади, миллий устунликни, миллатчилик ва шовинизмни рад этади

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоясига кура янги хужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфиийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуги — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро-жамият давлат» ўргасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик

### Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

«Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади» (8-модда)

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдиди тенгдирлар» (18-модда)

«Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади (4-модда)

## 4.5. Ўзбекистондаги миллий-маданий марказлар ва уларнинг фаолияти

Ўзбекистон аҳолисининг күп миллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зур куч булиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қушилиши учун қулай шароит яратмоқда

Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатларнинг вакиллари орасида ҳам этник-маданий асосларда жипслалиш жараёнлари фаол юз бермоқда

Бу ҳақда маълумот

1989 йилдаёқ жамоат ташкилотлари — миллий-маданий марказлар тузила бошлаган эди. Ҳозир республикада 80 дан ортиқ марказ ишлаб турибди. Улар Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятини сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатдан қайта қуриш жараённада ижобий роль ўйнамоқда

Марказий Осиёдаги давлатлар ва миллатлар ўртасидаги узаро яқинлик: табиий иқлим шароитлари, чегаралар яқинлиги, оиласий ва худудий муносабатлар, кенг феълчилик руҳиятнинг ажralmas қисмига айланганки, бу асосда миллатлар ўзаро тотувликини таъминлай оладилар

#### **4.6. Марказий Осиё миңтақасида барқарорликни таъминлашда этник ва миллатлараро омиллар аҳамиятининг ортиб боришида ҳисобга олишимиз шарт бўлган муҳим жиҳатлар**

**Б у л а р:**

Таркиб топган давлат чегараларини, уларнинг дахлсизлиги-ни тан олиш ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг конституциявий қоидаси, суверенитетни таъминлашнинг ҳамда сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий шарти бўлмоги лозим

Миңтақадаги халқлар миллий ўзлигини англашининг ривожланиши 1991 йилдан кейин орқага қайтмайдиган прогрессив жараён тусини олди. Уларнинг кўплари миллат сифатида узил-кесил шаклланди. Бу миллатлараро муносабатлар жараёнида жуда муҳимдир

Миңтақада яшаётган халқларнинг жўтрофий, этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлараро муроқот ва давлатлараро ташқи-сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ижобий жиҳати сифатида майдонга чиқмоқда

Хусусан, Ўзбекистонда «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракати доирасида амалга оширилаётган этник сиёсат ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра инсонпарвар, конструктив жараёндир. Чунки у миңтақада миллатлараро тотувликка эришиш мақсадини кўзлайди. Бу сиёсат Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг асосий давлат стратегик ва миллий манфаатларига тўла-тўқис мос тушади

Миңтақадаги интеграция жараёнлари ҳам барча халқлар ва бутун кўп миллатли аҳолининг давлат ва миллий манфаатларини энг маъқул даражада ўйгунлаштиришга асосланган ҳолда ривожланиши даркор

## **5-м а в з у. Коррупция ва жиноятчилик**

### **5.1.**

### **Коррупция ва унинг намоён бўлиши**

Коррупция — ижтимоий-криминологик ҳодиса бўлиб, товлама-чилик ёки реал жиҳатдан мулкни, хизмат курсатиш, имтиёз олиш учун шароит яратишида намоён бўлган, қонунда назарда тутилмаган ҳуқуқларни олиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланган, давлат аппарати ва унга тенгглаштирилган бошқармалар ходимларининг индивидуал фаолиятидир

Коррупция ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилишида, жиноятчиликка йўл қўйишида, пора олишида намоён бўлади

Ўтиш даврида жиноятчиликнинг мазмуни фақат жиноий қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислоҳотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз бермоқда. Айни шу ҳол ислоҳотларнинг моҳиятини белгилайди. Аввалги тузумда давлат томонидан тортиб олинган бойлик эндиликда уни яратган ва ўз меҳнати билан кўпайтираётганларга тегишли бўлиши лозим. Қайта тақсимлашнинг моҳияти шундадир. Ҳар бир мамлакат бу жараённинг шакллари ва суръатларини мустақил белгиламоқда. Уни жиноятчилар дунёсининг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилишта интилмоқда

Жиноятчи унсурларнинг янги хужалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини тугдирали. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номақбул жиноий бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келади

## 5.2.

## Иқтисодий жиноятчиликнинг моҳияти ва унинг хавфи


Иқтисодий жиноятчилик — товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш соҳасида юз берган, жумладан хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш билан бөглиқ жиноий жазога сазовор қилмишdir. Ноқонуний узлаштириш йўли билан қилинган уғирлик, камомад, хизмат мавқеини суиистеъмол этиш, савдо тартибини бузиш, истеъмолчиларни алдаш, баҳо юзасидан давлат интизомини бузиш, солик тұлашдан буйин товлаш, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдыган товарлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат курсатиш ва ҳ. к.

Ўтиш даврида янги иқтисодий механизмлар шакллантирилаётган бир пайтда ақолининг асосий күпчилиги бозор шароитида яшашни эндигина ўрганаётгандыкнидан ва унинг объектив қонунларини пайқай бошлагандыкнидан фойдаланиб, амалга оширилаётган иқтисодий жиноятлар тоифаси катта хавфтудиради

Жиноятчи унсурларнинг янги хужалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини тудиради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номақбул жиноий бозор иқтисодиётининг алохидада тури шаклланишига олиб келади


### 5.3. Хуфёна иқтисодиёт ва унинг таҳди迪

«Хуфёна иқтисодиёт» — қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар, хўжалик ҳаётининг расмий қоидаларини четлаб утиши, яъни ҳуқуқий майдон доирасидан ташқаридаги юз берадиган иқтисодий муносабатларнинг маълум типидир



Мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоги даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, уз билими, куч-гайрати ва ижодий қобилиягини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тула-туқис фойдаланишни орзу қиласидиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига уз вақтида зарур тусик қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим

## 5.4. Коррупция ва жиноятчиликнинг хавфсизликка соладиган таҳдидлари мажмуси



## 5.5.

### Ўзбекистоннинг жиноятчиликка қарши кураш стратегиясининг устувор йўналишлари



Иқтисодий чоралар кўрилиши лозим. Жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашнинг мантиқи иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш йўлидан янада изчил боришини, тадбиркорлик учун чинакам эркинликни таъминлаш баъзан унинг йўлида сақланиб қолаётган кўплаб бюрократик сансалорликлар ва тўсиқларни барта- раф этиши талаб этади

Ўзбекистонда бутун ҳуқуқ ва суд тизимини тако- миллаштириш дастурини мамлакат ичидаги жи- ноятчилик ва коррупцияга қарши кучли чора деб ҳисоблаш

Оиласда, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий аҳборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори — ҳамма-ҳам- маси одамларимизда қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршиликни шакллантиришга қаратилиши

Жиноятчилик ва коррупцияга қарши муросасизлик ва умумий қоралаш мұхитини вужудга келтириш

## **6-м а в з у. Маҳаллийчилик ва ург-аймоқчилик муносабатлари**

### **6.1.**

### **Ург-аймоқчилик тушунчаси. Келиб чиқиш сабаблари ва белгилари**

Ург-аймоқчилик — бу қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлигидир

#### **Келиб чиқиш сабаблари:**

Минтақавий ўзлигини англаш, бошқача айтганда, одамларнинг фақат ўзлари туғилиб ўтсан жой орқали ўзларини идрок этиши, аслини олганда, маҳаллийчилик ва ург-аймоқчилик учун этник-ижтимоий негиз бўлиб хизмат қиласди

Миллат ва унинг асосий белгилари иқтисодни ташкил этиш, маданият, худуд, тил ва бошқалар шаклланиш жараёнларида маҳаллийчилик - ва ург-аймоқчилик воқеъ бўлиши учун объектив шароит сақланиб қолмоқда

Ург-аймоқчиликни ажратиб турувчи белги — унинг аъзоларининг бир жойда туғилғанлигидир. Шуни назарда тутиш керакки, машгулот турларининг умумийлиги, маънавий манбаатлар, дунёқарашларнинг муштарақлиги эмас, балки айнан туғилган жойнинг умумийлиги асосий белгидир

## 6.2. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг хавфи ва оқибатлари

Жамиятда алоҳида гурухнинг ёки алоҳида ҳудудларнинг манбаатлари умумий манбаатлардан устун турадиган муносабатлар тизими мавжуд бўлиши нотўри ва хавфидир

Бу ҳол жамиятда ижтимоий кескинликнинг ўсишига олиб боради. Давлатта — унинг барқарорлигига, яхлитлигига, тараққий этиш қобилиятига таҳдид тутдиради

Хаддан ташқари бўрттирилиб юборилган маҳаллий ватанпарварлик, унинг тажовузкорлиги миллатнинг жипслашувига халақит беради

У муқаррар суратда ички сепаратизм ва маданий маҳдудликка олиб боради. Давлат ҳамда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид солади

## 6.3. Маҳаллийчиликнинг кучайиш оқибати

Маҳаллийчилик тамойилларининг кучайиши

Минтақаларнинг ўзини-ўзи чегаралаб кўйишига олиб келади

Таркиб топган хўжалик алоқалари тизимининг кучсизланиши ва парчаланишига олиб келади

Минтақаларнинг иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутишига, пировардидаги умумдавлат иқтисодиётига зарар келтиришига олиб келади

## 6.4. Маҳаллийчилик ва сепаратизм ҳавфи

Булар:

Ажралиб чиқиши (сепаратизм) кайфиятидаги миңтақалар давлатнинг яхлитлигига қарши реал ҳавфdir


Маҳаллийчилик ва сепаратизм келтириб чиқаридиган яна бир таҳдид шундан иборатки, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликка асосланган зиддиятлар миңтақамиз шароитида миллатлараро ва этник мажароларга айланиб кетиши ёки бундай мажароларни юзага келтириши мумкин

Масалан, Марказий Осиё мамлакатларида ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, уйгурлар, яшайдилар. Бу этник турұхдар қаерда яшамасынлар, уларни камситиши мүмкін эмес, акс ҳолда кескинлик, таңглик кучаяди, бундан эса, ташқы кучлар «ўзларининг жүгроғий мақсадлари ва гаралы манбаатлари йўлида» фойдаланиши мүмкін

Маҳаллийчилик ва сепаратизм келтириб чиқаридиган яна бир таҳдид шундан иборатки, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликка асосланган зиддиятлар миңтақамиз шароитида миллатлараро ва этник мажароларга айланиб кетиши ёки бундай мажароларни юзага келтириши мүмкін

## 6.5.

### Маҳаллийчилик ва ург-аймоқчилик таҳдидига йўл кўймаслик шартлари



## 7-м а в з у. Экологик муаммолар

### 7.1.

### Экологик муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари

Булар  
қўйида-  
гилар-  
дир:


Табиий ва минерал-хом ашё заҳираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва истрофарчиликлар билан фойдаланишга асосланган социалистик хўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги бекиёс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш гояси бутунлай ёт эди. Аксинча, бойликлардан бундай фойдаланиш икки тузумнинг иқтисодий мусобақасида мамлакатнинг асосий дастаги, экспорт имкониятларининг негизи бўлиб келган

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига арзимас даражада кам маблаг ажратиларди. Бу маблаг табиатга етказилаётган зарарнинг мингдан бир қисмини қопламас эди. Ўрмонлар ўйламай-нетмай, ваҳшийларча кесиб ташланар эди. Ёқилги ва минерал-хом ашё заҳиралари реал эҳтиёж билан таққосланмаган ҳолда жуда кўп миқдорда қазиб олинганидан кўпчилик қисми қайта ишланмаган чиқитлар сифатида уюлиб ётар эди. Ўз кўлами жиҳатидан бекиёс даражада катта гидроэнергетик лойиҳаларни рўёбга чиқариш, транспорт коммуникацияларини бунёд этиш нафақат табиий заҳираларни қашшоқлаشتирди. Бутун бошли аҳоли пунктларининг йўқ бўлиб кетишига, экологик мувозанат, иқдим, одамларнинг ҳаёт ва фаолият шароитларининг бузилишига ҳам олиб келди

МДҲга аъзо бўлган мамлакатларнинг бозор иқтисодига бетартиб суратда ўтиши, табиий ва минерал-хом ашё заҳираларидан фойдаланишда бошқарувнинг барҳам топгани назорат қилинмаганлиги натижасида улар ташилиб кетила бошланди. Ваҳшийларча қазиб олинди ва экспорт қилинди. Айрим «янги бойвачалар» деб аталувчи ва коррупция домига илинган бутун-бутун гуруҳлар учун қўшимча фойда олиш манбаига айланди. Шу билан бирга, улар ўзларининг очкўз манфаатлари йўлида ҳозирги ва келгуси авлодларнинг экологик хавфсизлигини, саломатлиги ва фаровонлигини қурбон қилмоқдалар

## 7.2.

### Экологик хавфли вазият ҳақида



Республиканинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Айни чоғда Ўзбекистон эгаллаб турган майдоннинг анча қисмини Қорақум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлар ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонларига туғри келадиган демографик юқ ҳозирнинг ўзидаёқ ўта салмоқди

### 7.3. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий мухитда яшаш. Ўз саломатлигини атроф-мухитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»даги қонуни, 12-м оғозда



**ИККИНЧИ БОБ**

**БАРҚАРОРЛИК  
ШАРТЛАРИ ҲАМДА  
ТАРАҚҚИЁТ  
КАФОЛАТЛАРИ**

## 8-мавзу. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши

### 8.1.

#### Маънавий имкониятлар ҳақида

Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирумай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, ҳалқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз

#### Маънавий имкониятлар ҳақида

Мустакиллигимизнинг дастлабки кунларида ноқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган гоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди

Тарих хотираси, ҳалқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараённада муҳим ўрин тутади

## 8.2.

## Маънавий қадриятларнинг манбалари

Жамиятнинг диний-руҳий асосларини, халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган Ислом маданиятини тиклаш ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихий хотирага, маданий-тарихий бирликка эга булиш йўлидаги фоят муҳим қадам бўлди

Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олиши лозим. Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай сугориладиган дехқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асраб авайлаш ҳам шунчалик муҳимdir

Маънавий қадриятларнинг манбалари

Маънавий қадриятларнинг яна бир қудратли манбаи анъанавий оила ва қариндошлик муносабатлари одобидан иборатdir. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидалари булиб келган

Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англатади. Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий демократик жамият куриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларни киритамиз. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳоказолардир

### 8.3. Демократик қадриятларга эга бўлиш шартлари

Давлатнинг ичидаги сиёсий эркинликларни таъминлаш — пухта ўйлаб ҳар томонни ҳисобга олиб ёндашишини, одамлар онгида узоқ муддат мослашишни талаб қиладиган жараёндир

Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир

Хозирги демократик жамиятнинг энг муҳим воқеиликларидан бири иктиномий рақобатdir. Халқимизнинг анъанавий қадриятлари у билан уйғунлаштирилмоги керак. Бозор тузилмалари ривожланиб борган сари бу рақобат анча бемаъни тус олиши, иктиномий зиддиятга айланиб кетиши мумкин. Бундай рақобатга, маърифий, ижодий тус беришга уни мусобақага, бунёдкорликка айлантиришга биринчи навбатда, иқтисодиёт билан боғлиқ бўлмаган, энг аввало, маданий-ахлоқий механизmlар ёрдамида эришиш мумкин

Дунёning демократик қадриятларидан баҳраманд бўлишда аҳолининг билим-донлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзаликларини қадрлай олишини ва, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда

Кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умумисоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қуладай замин яратди. Айни маҳалда ўз халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъоди ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатлари тўлаткис рӯббга чиқишига имкон берди. Ана шу алоқалар туфайли миллий меҳмоннавозлик ва саҳоват анъаналари янада ривожланди

Демократик қадриятларга эга бўлиш шартлари

## 9-мавзу. Давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш

### 9.1. Ўзбекистонда давлатчиликни шакллантириш ва унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш

Фақат мустақилликка эришилганидан кейингина ҳалқаро мунисабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган суворен Ўзбекистон янги давлатчилигини қуриши ва ривожлантиришга киришиди

#### Ўзбекистон танлаган устувор қадриятлар

Демократия  
Қадриятлари

Шахснинг ҳуқуқ  
ва эркинликла-  
рини таъминлаш

Эркин бозор  
иқтисодиётини  
барпо этиш

Эълон қилинган мақсадларга аввали-  
ти, мафкуравий тоталитар тузумни  
тубдан бузиб ташламасдан, ўтмиш  
одатларидан воз кечмасдан эришиб  
булмаслиги боис қўйидагилар энг  
асосий вазифамиз бўлиб қолди:

Эски маъмурий-буйруқбо-  
лик тизимини, унга муво-  
фиқ бўлган ҳокимият ва  
бошқарув органларини туга-  
тиш

Янги давлатчиликнинг  
сиёсий-ҳуқуқий, конститу-  
циявий асосларини яратиш.  
Конституция ва қонунларда  
ижтимоий мунисабатлар  
янги тизимини ҳам марказ-  
даги, ҳам жойлардаги давлат  
ҳокимияти органларининг  
янги тизимини мустаҳкам-  
лаб қўниш

